



НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК!



Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi

O'ZBEKISTON adabiyoti va san'ati

ADABIY-BADIIY,
MA'NAVIY-MARIFIY,
IJTIMOIY GAZETA

1956-yil 4-yanvardan
chiqa boshlagan

2023-yil 17-mart
№10 (4721)



Муносабат

ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТ САМАРАЛАРИ

Жорий йилнинг 13 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Жараёни диққат билан кузатар эканмиз, давлат сиёсати одамларнинг хоҳиш-иродаси, эзгу орзу-истакларини ўзида акс эттириб, тобора халқчиллашиб бораётганига гувоҳ бўлдик. “Бойсун-Денов” йўналишидаги йўллар сифати бўйича одамлардан тушаётган эътирозларни инobatга олиб, давлат раҳбарининг ўзи Сурхондарё йўлларида автомобиль бошқариб кўришга қарор қилди. Бунга ўхшаш ҳаётий мисоллар бошқа вилоятларга ташрифлар чоғида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Дарҳақиқат, авваллари вилоят санoати изаиба гап кетса, кўпчиликнинг кўз олдига Денов ёғ заводи ёки Шўрчи ун заводи келарди. Улар ҳам аграр соҳага боғланиб қолган, мавсумий корхоналар бўлган. Ярим йил ишлаб, бошқа вақт ишламас эди. Вилоятда ижтимоий инфратузилма оқаё, ишсизлик сони ортган, кўплаб воҳадоларимиз даромадли иш излаб хоригга кетишга мажбур бўлаётганди. Энг ачинарлиси, вилоят маркази ва туманларнинг йўлларида юриб бўлмасди. Арзирли бозор топилмасди. 2016 йилда вилоятда бор-йўғи 25 минг 674та корхона бор эди. 2022 йилга келиб улар сони 46 минг 252тага етди. Вилоятнинг деярли барча туманларида янги бозорлар қад ростлади. 1000 километрлик халқаро, 3000 километрлик ички йўллар таъмирланди. Шунга қарамай, “Бойсун-Денов” йўналишидаги йўллар ҳамон талабга жавоб бермас, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси таъминотида ҳам муаммолар бор эди.

Президент Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида вилоят ҳокимлигига номзод Улуғбек Қосимовнинг режаларини эшитишни таклиф қилди. Вилоятда тадбиркорлик, санoат, кишлoқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шарoитини яратиш бўйича режалар тақдимотидан сўнг мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Жумладан, 2023 йилда Ангор, Жарқўрғон, Денов, Қизирик, Кумқўрғон туманларида агрохизмат марказлари фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча 5,5 миллион доллар, 38та шарoити оғир маҳаллада сув таъминотини яхшилаш учун 55 миллиард сўм ва яна бошқа аниқ мақсадлар учун йирик мик-

дорда маблағлар ажратилиши маълум қилинди. Аҳолини тоза сув, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш, томоркаларда дехкончилик учун шарoит яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Мактаб, мактабгача таълим, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш юзасидан кўрсатмалар берилди.



Айниқса, ташрифнинг эртаси куниёқ **Бойсун – Денов** йўлини таъмирлашга киришилгани вилоят аҳолисининг қувончига сабаб бўлди.

– Ҳар бир туман мавжуд имкониятлар ва захиралар ҳисобига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чoра-тадбирларини белгилата олган, – дейди Денов тумани ҳoқими Илҳом Аббoров. – Жумладан, Денов туманида умумий қиймати 841,7 миллиард сўмлик тўртта йирик санoат лoйиҳасини амалга ошириш ва шу орқали икки мингдан ортиқ доимий иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Шунингдек, 27,2 гектар майдонда 3та санoат зонаси қуриб, улар таркибида ҳам 45та санoат лoйиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Айни пайтда 6,2 гектар майдондаги иккита санoат зонасида қурилиш ишлари олиб бoрилмоқда. “Кўзичoқли” маҳалласи ҳудудидаги “Ургут эркин иқтисодий зонаси” Денов фи-

лиалида маиший электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳисoбига 500 нафар фўқаро янги иш ўрнига эга бўлди. “Номозгоҳ” маҳалласи ҳудудидаги 18,3 гектар майдонда 1715та тадбиркорлик субъектини ўз ичига оладиган йирик савдо ва хизмат кўрсатиш комплекси барпо этилмоқда. Бундан ташқари, 281 гектар ер – 36та мева-сабзавотчилик фермер хўжалиги ва аҳоли томоркаларини йирик кластерга бириктириш кўзда тутилган. Шунингдек, “М-41” йўли четидagi 4 гектар майдонда умумий қиймати 39,5 миллиард сўмлик “Логистика маркази” комплекси негизда коoперация усулида мева-сабзавот етиштириш, саклаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш ва ички бозорларни таъминлашга ихтисoслашган кластер ташкил этиш режалаштирилган. Бундан кўзланган мақсад битта – бандликни таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш ва турмуш тарзини янада яхшилашдир.

Дарҳақиқат, бундай ўзгаришлар, янгиликлар вилоятнинг барча туманларида кузатилмоқда. Буни Термиз тумани Янгиобод маҳалласидаги йилига 2,2 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқариш қувватига эга “Termiz National Carpets” масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисoлида ҳам кўриш мумкин. Корхонага Германия, Бельгия, Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Хомашёсининг 80 фоизи маҳаллийлаштирилган корхона киска фўрсатда Озарбайжон ва Қирғизистон давлатларига 255 минг долларлик гилам ва гилам маҳсулотларини экспорт қилди. Президент корхона фаолияти билан танишар экан, муқoбил энергия манбаларидан, ташки ва ички ёритиш тизими учун қуёш панелларидан унумли фойдаланилаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда ишлаб чиқарилаётган санoат маҳсулотлари кўрғазмаси кўздан кечирилди. Термиз, Жарқўрғон, Сарисоё туманларидаги қурилиш материаллари кичик санoат зоналари ва Тўпаланг гидроэлектр станциялари вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салoҳияти ва амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳақида ахборот беришди. Дарвоқе, Тўпаланг гидроэлектр станциясини модернизация қилиш доирасида унинг қуввати

175 мегаваттга етмоқда. Бу йилига 467 миллион килoватт соат энергия ишлаб чиқариш имкoнини беради. Мазкур станция ҳамда урта кичик ва микро ГЭСда шу йилнинг ўзида 350 миллион килoватт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши қайд этилди. Шерoбод туманидаги 457 мегаватт қувватли йирик қуёш электр станциясини ишга тушириш, кичик қувватли қуёш панелларини ўрнатиш бўйича режалар белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, Сурхондарёда ижтимоий муаммоларни хал қилишга жорий йилги давлат дастурларида кўзда тутилган 1,5 триллион сўмга қўшимча равишда 465 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, аграр соҳа, ичимлик суви ва тадбиркорлик лoйиҳаларига қўшимча 328 миллион доллар миқдорда маблағ жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди. Булар орқали 325 минг аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаб, Сурхондарёни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айланттириш мақсад қилинди.

Тинч ва осулда юртда тараккиёт юксалиши, одамлар фаровон ва хотиржам умргузаронлик қилиши мумкин. Бу бoрада Афғонистон, Тожикистон ва Туркменистон билан чегарадош Сурхондарё вилояти муҳим ўрин тутди. Давлат раҳбари сарҳадларимиз дахлсизлиги учун туну кун хизмат қилаётган аскарларимиз хонадонларида бўлиб, уларнинг турмуш тарзи билан қизиқди. Дунёда ахборот ҳуружи тобора авж олаётган бугунги кунда Курoлли Қучларимиз салoҳиятини янада мустаҳкамлаш, халқ ва армия бирдамлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳарбий ислохотларнинг ўзагини ташкил этиши кераклиги таъкидланди.

Бирдамлик ва сабот билан қўйилаётган ҳар бир дадил кадам мамлакат тараккиётини таъминлашга, бoсқичма-бoсқич юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу йўлда олиб бoрилаётган халқчил сиёсат ўз мевасини бериши, шубҳасиз. Бизнинг вазиғамиз эса, янада жипслашиб, Ўзбекистонимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Феруза ТўРАЕВА,
Денов туман ҳoқимининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони



СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

Уйғонувчи боғларни кездим,
Топаи дедим қирдан изингни.
Ёноғиндан ранг олган дедим –
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқларда залворли тоғлар
Хаёлимни келдилар босиб.
Кечди канча интизор чоғлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам ғариб,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Ўнгирларда сакрайди оху,
Наъматакда саъва митти жон.
Қорликлардан сипқарилган сув
Дараларда уради жавлон.
Ниғоҳимдан фақат сен пинҳон,
– Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бугун наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севгили эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,
– Сен баҳорни соғинмадингми?



Бунёдкорлик

Самолётимиз Хоразмга эрталабки соат 5дан ўтганда қўнди. Оғайним аэропортга кутиб олди. Мен унга болалигимиз ўтган қир-далалар ўрнида “Ал-Хоразмий шаҳарчаси” қурилишини кўришга боришим лoзимлигини айтгандим.

ШАҲАР ИЧРА ШАҲАР

Янгидан бунёд этила бошлаган мўъжаз шаҳар мутасаддилари билан телефон орқали гаплашган эдим. Биз қурилиш майдонига барча шарoитлари билан қурилган муҳандислик хонасига кириб келдик. Бу маҳсул хона компьютер ва лoйиҳа чизмалари илаб қўйилган кўрғазмалар билан жиҳoзланган. Стол устида ёйиб қўйилган бош лoйиҳанинг рангли чизмасига назар ташла-

дим. Бу маҳсул дизайн дастури орқали амалга оширилган экан, худди фoтoсурагга ўхшайди. Қуриладиган объектларнинг жойлашуви самолётдан томоша қилгандек таассурот қолдира-



ди. Хонага қурилиш мутасаддилари кириб келишди. Улар билан танишиб, суҳбатга киришдик.



Фойда



МУСИҚАГА БАХШИДА УМР

Ўзбек профессионал муסיқа санъатининг даргаларидан бири, фидойи ижодкор, атоқли композитор **Мустафо Бағоев** ижодига назар солар эканмиз, унинг композиторлик соҳасининг турли жанрларида нафақат баракли ижод қилаётганига, балки шу жанрларга миллий руҳни сингдириб келаётганига ҳам гувоҳ бўламиз. Устоздаги айнан мана шу жиҳат ҳаммага ҳам насиб этавермайди.



Тадқиқот, ахборот

БИР ИБОРА ИЗИДАН

ёхуд «оғиз жуфтламоқ» ҳақида

Бугунги кунда тилимизда ғалати машхурга айланган, ўзининг тўғри қўлланишидан чекинган бир талай ибора ва мақоллар учрайди. Эскидан маълум бўлган “ғалати машхур” дегани, Эркин Воҳидов ибораси билан айтганда, “...машхур бўлган хато демақдир. Бирор сўз ёки иборани хато ишлатиш оммалашиб кетса ва у табиий қабул қилинадиган бўлиб қолса, энди бошқа йўл йўқ, ноилжоз рози бўласиз. Ғалати машхур ана шу”. Масалан: “Отамнинг ўлишини билганимда, бир қоп кепакка алмашардим” (аслида “Отимнинг ўлишини билганимда, бир қоп кепакка алмашардим”), “Кампирнинг дарди ғўзада” (аслида “Кампирнинг дарди ғoзада” каби мақoл ва матoллар, “Кўз очиб юмгунча” (аслида “Кўз юмиб очгунча”) каби иборалар, “Техника хавфсизлиги” (аслида “Хавфсизлик техникаси”) каби бирикмалар шулар жумласидандир.



Яхшилар ёди

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

ДЎСТИМ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРИМ

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов билан 1965 йилда танишгандим. Эндигина Москвадаги Горький номидаги Адабиёт институти 4-курс талабаси мақомида Тошкентга амалиёт ўтказиш учун келган кунларим эди.

Туш вақти, Тошкентнинг Навоий кўчасидаги 30-уйнинг учинчи каватида буфет олдидан ўтиб кетаётгандим, уч киши бир стол атрофида тушлик қилиб ўтиришган экан. Мени кўриб таклиф этишди. Беихтиёр уларга қўшилдим. Ҳoл-аҳвол сўрашдик. Танишдик. Улардан бири Абдулла Орипов экан, у ўша пайт жуда урф бўлган оқ кепка кийиб олган, озгиндан келган хушрўй йиғит эди. Кўп ўтмай шерикларимиз бирин-кетин туриб кетишди, икков қолдик.



Бошланиши 1-саҳифада

– Дунёга алжабр илмини тортик килган буюк ватандошимиз Мухаммад ал-Хоразмий сайлгоҳи ва янги хайкали пойдеворининг қурилиши якунланиб қолди. Баланглиги, пойдевор қисми билан бирга, 30,5 метр бўлади, бронзадан ясалди. Хозир атрофдаги кўпқаватли турар жой мажмуаси қурилиши бошлаб юборилган, – деди Ал-Хоразмий мажмуасини барпо этиш ва сақлаш дирекцияси раҳбари


бинолари, технопарк, қворкинг маркази, IT- мехмонхона барпо этилади. Бунёдкорлик ишлари давом этаётган масканга олисдан кўз ташладим. Илгари бу ерлар пахта далалари эди. Мактабда, 8-синфда ўқиб кезларимиз сентябрь ойида-ёқ бизни кўрпа-тўшагимиз билан шу ерларга пахта теримига олиб чиқарди. Ота-оналар бизни худди армияга кузатгандай кузатиб қолишарди... Биз ўсимирларни “Ҳама пахта йиғим-теримга!” шиори осилган автобуслар поезд

пахта четдаги тутзордан ҳаллослаб ўзимни четга олиб келарканман, устимдан “Ан-2” қўшқанотли самолёт қандайдир бир аччиқ хидли суяқликни сепаб ўтганди... Кейин билсам бу – пахтанинг барглари эртарок тўкилиши учун сепадлаган дефолиант экан. Дорининг хидидан анча вақт ўзимга келолмасди. Аммо бироз ўтиб ариқда ювиниб, йўлда давом этдим. Агар дала четда милиция ходимларими ёки бригада нозирлари ушлаб олишса борми! Нақ ўқишдан хайдаламан-а, деган хавотирдан юрагим

Қурилиш майдони ичра тўшалган шағал йўлдан ортга қайтаман. Ҳаёлимдан: “Қанийди, биз ҳам мана шундай шароитларга эга мактабларда ўқисак эди”, деган армонли ўй кечди. – Бу йил таникли шоир, таржимон, зукко адабиётшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Матназар Абдулҳаким таваллудига 75 йил тўлди, – дея гап бошлади Шухрат оға машинани бошқариб бораркан. – Шу муносабат билан устоз ашаб ижод этган уйга ёдгорлик лавҳи ўрнатилди. Лавҳанинг очилиш маросимида жамотчилик вакиллари ва вожа ижодкорлари қатнашдилар. Махсус тadbирлар режаси асосида меҳнат жамоалари, умумтаълим мактаблари, вилоятдаги олий таълим юртлирида тadbирлар бўлиб ўтди. Жумладан, Маҳмуд Замашарий номидаги Хоразм вилояти ахборот-кутубхона марказида шоир хаёти ва ижоди акс этган фотокўргазма, “Афсонага айланган шоир” шиори остида адабий кеча, Хоразм Маъмур академиясида “Матназар Абдулҳаким ижодини ўрганишнинг долзарб вазифалари” мавзусида илмий-амалий конференция, Урганч давлат университетида шоир хаёти ва ижодига бағишланган театрлаштирилган мусиқий кечалар ўтказилди. Қоракалпоғистондан келган меҳмонлар эса Матназар Абдулҳакимнинг нафақат ўзбек шоири, балки қоракалпоғистонлик китобхонлар қалбига ҳам йўл топа олган зукко диллар.

“ҚАДАМИНГДАН ОЛАМ МУНАВВАР”

Тўйхат



кай Ўткир акани таърифлаб, жуда ҳалол, покиза, ҳақиқий зиёли шоир, кучли шахс деганда мен: “Шоирларнинг ҳаммаси зиёли бўлмайдими?” дегандек гап қилдим. Анвар ака бу лухмани шашпақликка йўлдими, мижозни чамалаган тикувчидек бош-оёғини кўздан ўтказиб: “Кўрасиз хали...”, деб қўя қолди.

Ўткир акани илгари кўрмагандим. Ижоди билан сиртдан таниш эдимки, кўпроқ журналист сифатида танирдим. Бемор йўқлаш савобу, лекин ноқулай тарафи кўп. Биринчидан, касал одамнинг инжиқлиги бўлади, қолаверса... бир рухий хол борки... гўё йўқловчи саховатпеша, йўқлангучи шафқатталаб... ночорми, хулла, қандайдир асабийлик бўлади. Йўқ, бу сафар бошқача кечди. Ўткир ака ҳечам бетебга ўхшамасди. Ранги тоза, кайфияти соз, ҳатто касалхона кийими ҳам ярашиб турарди. Хиёлининг тарқади. Анвар аканинг серпайров қочиримларидан бир мазна қилсам, Ўткир аканинг донишмандона соқин товуши ва салобатли фикрларидан кўша завқландим.

Кейинчалик, турфа феъл “шоир”ларга тўқнашганда, тутуруксиз тутумларидан кон бўлганда “зиёли шоир” таърифи қайта-қайта эсимга тушиди. Кейинроқ яна англадимки, шоирликнинг нозик шартли бўларкан: шеърига муаллиф ўхшаши керак экан!

Бундан йигирма йиллар назорат-берисидан устоз Анвар Обиджон “Ўткир Раҳмат дўстимиз шифохонага тушиб қопти. Юринг, кўнгил овлаб келамиз”, деб қолди. Йўл-йўла

ни йўқотиб бўлган, иблисга қўл бериб этагини қўшқўл тутган... “Кўринганингдек бўл!” дейди Мавлоно Румий. Афсуски... бу кўхна савдо... Ўткир аканинг шеърларида ўзбекининг феъл-тили ва дили ойдин кўринади. Ифода халқ қўшиқлари каби раван, дostonлари дарёлари-миздек ёйик, соқин ва улугвор.

Гулу бинафшани қучади офтоб, Ҳатто илтидаи қушлар инини...

Сиз қуёш қуш инига мўралашини ўйлаб кўрганмисиз? Қанчалар олижаноблик, одабийлик, шафқату меҳр бор бу сағрда! Ахир, қушлар ҳам Аллоҳнинг яратгани, улардаям оғрийдиган жон бор, бола-чака ташвиши – тиркичилиги бор. Асосийси, қушу қуртлар ҳам шу дунёнинг беэзаги, ҳаётимизнинг бир бўлаги, сайёрамиз вакилларидир. Офтоб қуш уясини илтиштин инсониятга буюк сабоқ! Шоир: “Эй, одам боласи! Қуёшдан ибрат ол! Бир-бирининг кўнглингда меҳр тафтини бер, шундангина кўнглилар исийди!” деб бонг уряпти. Айниқса, силлий раҳмини унутмаслик керак. Хар биримизда қондошларимизнинг мерос хақи бор.

Шунинг учун шоир “Меҳрнинг иккинчи исми – сингли...” деб лутф қилади. Устоз табиятга табиятан яқин инсон эмасми, борлик ҳодисаларини маҳорат билан қаламга тортадими, тасвир тиник, жозибали, тасвирчан тус олади.

Гира-шира шомдан сўнг Босқинчи – қоронғулик Кўздан панана олар Қанча йиртиқ-ямқони...

Тушундингиз-а? Изохға чоғат йўқ! “Йўл” балладасини ўқир ҳажим ўзим ўйлаган, лекин идроким етинкирамаган ҳикматлар топдим: “Ҳаёт – йўл, қонот ҳам йўл...”. Дўстларим, биз йўл деганда оёқ остига тўшалган турли кўринишдаги моддийлик тушунмаймизми? Йўл фақат горизонтал бўлади, деб ўйламаймизми? Демак, сен қай томон отлансан ва қай мазилга чоғинг келса, ўша йўл экан-да! Демак, одам ўз йўлини ўзи яратаркан-да! Шерият тасвиргина эмас, асли ҳикматдир дегани шу.

Устознинг таржималариям ўзига хос ҳассослик ҳамда маҳорат намунаси. Тўтчевдан:

Арчалар, қарагайлар... Қорқўрпага ўраниб, майли, уйқуни урсин...

Тасаввур қилдингизми? Мен “уйқуни урсин”га мазза қилдим. Афсуски, таржималарга кам ўрин берилди. Балки улар алоҳида китоб бўлар...

Мен бир даврада “Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларимиз йўқ” деб қайғу чекканларга “Шукр қилинлар, Ўткир Раҳматдек забардаст шахеларимиз бор” дегандим.

Устознинг юзлаб шогирдлари қатори қамна ҳам у кишидан мўл эътибор кўрдим, кўп нарса ўргандим, керак бўлса, суяндим.

Бугун у кишига қутлуг айём ва “Дилроз” муборак қилди, “Сизни Аллоҳ доим паҳоҳида тутсин, илоҳий илҳомдан айирмасин, элимизнинг зиёли шоири – кўрки бўлиб юраверинг!” дейман.

Борингизга шукр! Раҳмат, Ўткир ака, дейман. Менинг дил розим шу!

Иқбол МИРЗО

ШАҲАР ИЧРА ШАҲАР

Шерзод Аллаберганов. – Бу эгу лойиха Президентимиз кўрсатмалари билан режалаштирилган. Мана, кўриб турганингиздек, Урганч шаҳри халқаро аэропорти худудига яқин жойда 130 гектардан зиёд майдонни ўз ичига олган замонавий мажмуа қурилиши жадал олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг 7 февралда ўтказилган тақдиротда Президентимиз: “Бу ер шаҳар ичидаги шаҳар бўлади. Университет, инновацион марказ ва мактаблар илм ва таълим класстерини ташкил этади. Бу ерда ишловчилар учун уй-жойлар, илмга асосланган санoат зонаси ҳам бўлади. Бу шаҳарчани шунга муносиб қилиб, сифатли қуриш керак”, дея таъкидлаган эди. “Ўз-шаҳарсозЛИТИ”да тайёрланган лойиха асосида аллома бобомиз номида университет, барча қулақликларга эга ётоқхона, спорт мажмуаси, “Ал-Хоразмий” маркази, инновация ва маданият маркази, IT-академия биноси, кўп қаватли автотурагоҳ, тиббиёт маркази, Ал-Хоразмий мактаби, яна учта умумий ўрта таълим мактаби, Ипотeka маркази, бешта мактабгача таълим ташкилоти, савдо мажмуаси, савдо маиший

вагонларидек бир-бирига эргашиб уфқка туташган далаларга ташлаб кетарди. Мана шу қурилиш бошланган худудлардан ўша қолхознинг пахта майдонлари бошланарди. Ўша пайтларда хориждаги мактаб ўқувчилари бобомиз Ал-Хоразмий кашф этган алжабр тенгламалари устида бош қотиришган, IT-технологиялари билан ўшанда танишган бўлсалар ажабмас. Биз-чи? Алгебранинг аҳамиятини тушунмайдиган бизлар учун пахта териш осонроқ десак, жудаям тўғри бўлмас-ов?! Мактабимиз теримчилари пахта штабига хар куни ҳисобот топшириши шарт эди... Бир кунлик режани адо этишнинг ўзи бўлмасди. Кунлик режани бажармаганлар мажлисга қўйиларди, дўк-пўписалар билан мактабдан хайдашгача боришларини айтиб кўрқитишарди... Норма – 40 килограмм эди. Буни ҳамма ҳам бажара олмасди. Айниқса, биз шаҳарлик болалар учун бу муаммо эди. Айнан мана шу гўзал шаҳарча бунёд этилаётган далаларда бизнинг болалигимиз кечган...

така-пука эди. Худди партизандек тутзор орқали беркинби мана шу далалар орқали қош қорайганга уйга кириб келгандим ўшанда... Ҳаёлимдан мактаб даври кечар экан, суҳбатдошим Шерзод оға деди: – Мана бу худудда 5 қаватли 91та турар-жой, жумладан, 23та 9 қаватли, 16та 16 қаватли уйлар, маиший хизмат кўрсатиш объектилари, маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари, логистика маркази, ичимлик суви узатиш станцияси, масжид, инженерлик коммуникациялари, ички автотомобил йўллари, пиёдалар йўлақлари, кўкаламзорлаштириш ва сугориш тизимлари, автотурагоҳ, болалар майдончалари, спорт майдончалари қурилиши лойиҳалаштирилган. Жорий 2023 йилда 20та 5 қаватли турар жой биноларини қуриб битказиш кўзда тутилган. Бу Хоразм тарихидаги энг катта қурилиш бўлади. Шаҳар ичидаги бу шаҳар Хоразм вилоятига келган сайёҳлар ва меҳмонлар эътиборини ўзига жалб қилади ҳамда инвестиция жозибадорлигини оширади, деган умиддамиз, – дея суҳбатини якунлади Шерзод Аллаберганов.

Шухрат Маткарим вилоят адабий хаётидаги янгиликлар хақида гапириб бераркан, юртимиз ижодкорлари ҳам маънавий бунёдкорлик, яратувчилик ишларида фаол иштирок этаётганларидан кўнглим юксалди.

Даврон РАЖАБ

Аёл миллатни тарбиялайди, дейишади. Дарҳақиқат, соҳибқирон бобомизнинг авлодлар камолига алоҳида эътиборию Бибиҳонимнинг ҳассос тарбияси бу миллатга Мирзо Улугбекдай буюк зотларни берган. Аллани онасидан эмас, қўл телефонидан эшитиб вояга етаётган бугунги авлод тарбияси хотин-қизларни маънавиятга, китобга қайтариш муҳимлигини тақозо этмоқда.

“Саодат” журнали бош муҳаррири, таникли шоира Мунаввара Усмонова Жаҳон тиллари ва дипломатия университетиде бўлиб ўтган ижодий учрашувда қаламкаш қизларнинг келажагига тааллуқли муҳим жиҳатларга эътибор қаратиб, тегишли маслаҳат ва тавсиялар берди. Ота-она дуоси билан эл-юрт хизмати, ҳам оила масъулиятини баравар

Мунаввара Усмонова. – Қўлда қалами борнинг кўнглида алами бўлмайди, қўлидан ёмонлик келмайди. Менинг нолаларим – болаларим, асл ижод қувончи мана шу.

Шоира ўз шеърларидан намуналар ўқиб берди. Университетнинг талаба қизлари ҳам ўз шеърларидан ўқиб, керакли маслаҳатлар олишди. Жаҳон иқтисодиёти университети ўқув ишлари бўйича проректори Одил Юсуфжонов, хотин-қизлар маслаҳат кенгаши раиси Эътибор Султонова, филология фанлари номзоди Шоҳида Шокированынг фикр-мулоҳазалари ижодий учрашувга мазмун бахш этди.

Олий ўқув юртлири ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда фаолияти йўлга қўйилган бундай учрашувлар талаба-ёшларни адабийётга, ижодга рағбатлантираётгани билан алоҳида эътиборга моликдир.

Нигина САИДОВА, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси

Зулфия, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева сингари ардоқли шоирларимиз шахсий хаёти, бой ижодий мероси билан нафақат ўз сулоласи, балки келажақ авлод тарбиясига ҳам муносиб ҳисса қўлиши мумкинлигини исботладилар. Ўзбекистонлик хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини қўллаб-қувватлаш, интеллектуал салоҳияти, ижодкорлик қобилиятини тўла намoён қилишларини истасак, масаланинг айна жиҳатларини ўрганиш ва уларни тўғри йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Моҳиятига кўра, бу бўлғуси шоираю адибаларимизга маҳорат сабогини бериш, қаламини чархладдан аҳамияти кам бўлмаган долзарб вазифадир.

ИЖОД САОДАТИ

ўз зиммасига олиб кам бўлмаган ҳассос шоиралару адибалар ҳақидаги хаётий мисоллар маҳорат сабоғига ҳамоҳанг равишда ёшлар қалбига чуқур ўрнашди.

“Шеър қандай ҳолатда, умуман, нима учун ёзилади?” деган саволга: – Кимдир дилингизни оғритган вақтда яқинларингизнинг бир гапига ўн гап қайтаргандан, ғазаб-нафратга эрк бергандан қура, гулдай ҳасратингиз бор оҳори, тафти билан қорозга тўкилгани, чексиз завқ-шавқ, ширин кўзёшлар тақдим этгани яхши эмасми? – деб жавоб берди

Наманган Бобораҳим Машраб, Мухаммадшариф Сўфизода, Исҳоқхонтўра Ибрат, Усмон Носир сингари доврқли ижодкорлари билан машҳур. Бугунги Наманган адабий муҳити вакиллари ҳам замонавий ижод намуналарини яратиш йўлида дадил изланишмоқда. Ўтган йили ижодий жабҳада амалга оширилган қўламли ишлар фикримиз исботи.

Авалло, катагон қурбонлари меросини ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Чунончи, отагини шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланди. Шу муносабат билан шоир таваллуд топган маҳаллага унинг номи берилди. Усмон Носир номидаги музей ва кутубхона қад ростлади. Қўркам хиёбонда шоир хайкали ўрнатилиб, у хақида китоблар, илмий рисоалар чоп этилди. Намангандаги барча олий ўқув юртлири, таълим муассасалари, вилоят ва туман хокимликлари билан ҳамкорликда халқаро илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тadbирлар ўтказилди. Вилоят кутубхонасига катагон қурбони Мухаммадшариф Сўфизода номи берилди. “Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи” лавозими жорий этилиши муносабати билан кўплаб ижодкорлар иш билан та-

минланлаб, мактаблардаги ижодкор ўқувчиларни ижодий қўллаб-қувватлаш имкони яратилди. Тарғиботчиларимиз томонидан вилоятдаги 700дан зиёд мактабда тўғараклар фаолияти йўлга қўйилди. Наманган шаҳри, Косонсой, Янгикўрғон, Уйчи, Чуст туманлари ҳамда Наманган давлат университетиде бир вақтлар доврғ қозонган ўнлаб тўғараклар янгидан ташкил этилди. Устоз – шогирд анъаналари қайта жонланди. Тарғиботчиларимиз нафақат китобхонлик тарғиботи, балки хайрли ташаббуслари билан ҳам ёшларга ибрат бўлишмоқда. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари билан маҳаллалар, ҳатто хонадонларда ўнлаб жамoатчилик асосидаги хусусий кутубхоналар фаолият юритмоқда. Косонсойлик Аъзамжон Мамажонов томонидан “Озод” ва “Бог” маҳаллалари фуқаролари учун ташкил этилган “Зиё маскани” ана шундай хайрли ташаббуслардан биридир. Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар ўртасида

ўтказилган танловларда Гулчехра Муродова, Шокиржон Бойхонов, Хуришда Нишонова, Шоҳсанам Эрмамбетова, Мухиддин Имомадиев, Муяссархон Эргашева сингари тарғиботчиларимиз фаол иштирок этдилар. “Энг яхши китобхон талаба” республика кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб деб топилган Наманган давлат университети

ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМЛАРИ

талабаси Муслима Аҳмаджонова танловнинг республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди. Вилоятдаги барча бошқарма, қорхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ҳарбий қисмларда йил давомида турли мавзуларда давра суҳбатлари, мулоқот ва мушоиралар ташкил этилди. Вилоят адабий муҳитида ўзига хос ўрин тутган ижодкорлар хотирасига бағишланган маънавий-маърифий тadbирлар, ижодий учрашувлар ва таникли ижодкорларнинг китоблари тақдироти ўтказилди. Тарғибот ишларида нафақат мутасадди ташкилотлар, ўқув юртлири, балки сиёсий партиялар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Хар йилгидек, ўтган йили ҳам Бобур боғида Халқаро гуллар фестивали ўтказилди. Гўзаллик ва нафосат байрамига икки миллиондан зиёд сайёҳ ташириб буюргани дикқатга сазовор. Бобур боғидаги маҳобатли сахналарда катта концерт дастурлари намойиш қилиниб, Уюшманинг вилоят бўлими қошидаги тўғарак аъзолари ва ёш

Нодирабегим номидаги вилоят кутубхонаси ҳамда М.Сўфизода номидаги болалар кутубхонаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган икки томонлама манфаатли бўлмоқда.

Кейинги йилларда адабиёт ва санъат соҳасига, ижод аҳлига ҳуқуқат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олдимизга қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, шаҳар ва туманларда Уюшма вилоят бўлимининг шўъбаларини ташкил қила бошладик. Айни пайтда Дилбар Бону, Содик Сайхун, Мансур Инъом, Мухиддин Омад, Малика Бойхон, Гули Мурод, Қимматхон Мамажонов сингари фаолларимиз худудларда адабий муҳитни ривожлантиришда бизга яқиндан қўмақ бермоқда.

Наманганда ташкил этилган “Китобхонлик фестивали” маънавий-маърифий тadbирларга боғлиги билан ажралиб турди. Фестиваль доирасида Давлатобод туманидаги “Янги Ўзбекистон – ёшлар зиё маскани” ахборот кутубхона мажмуасида китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Мухаммадшариф Сўфизода номидаги вилоят болалар кутубхонасиде ўтказилган китоблар тақдироти ҳам барчага манзур бўлди. Иштирокчилар Захириддин Мухаммад Бобур номидаги маданият ва

иштироҳат боғида ташкил этилган 61-Халқаро “Гуллар фестивали”да иштирок этди. Фестиваль якунида “Беш ташаббус” доирасидаги китобхонлик танловларига уйғун равишда “Ташаббускор кутубхоначи”, “Истеъдодли ёш шоир”, “Энг яхши китобхон ўқувчилар” каби кўрик-танловлар ғолиблари тақдирланишди.

Ўтган йилги тadbирлар орасида “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шиори остида ўтказилган, турли маданий-маърифий тadbирларни ўз ичига олган “Маънавият фестивали” алоҳида ўрин тутди. Тошкентдан келган юзлаб олимлар, санъат вакиллари, адабиёт намoандалари билан учрашувлар наманганликларга ижодий завқ, қўтаринки руҳ бағишлади. Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган маънавий-маърифий тadbирлар, адабий анжуманлар ҳамда вилоят аҳолисига улашилган етти мингдан ортиқ китоб барчани хушнуд этди.

Хуллас, бу каби хайрли ишлар кўп ва китобхонликни оммалаштиришга хизмат қиладиган бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаётган Наманган аҳли барча жабҳада, жумладан, адабиёт соҳасида ҳам олдинга интилмоқда.

Зиёвуддин МАНСУР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлими раҳбари

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

ИЗҚОР

Қанча диёрларда сайр этиб юрдим,
Қанча манзилларда туздим ошён.
Ва буюк ҳикматга ахир юз бурдим,
Сийланган жойида азиздир инсон.

Юртим сенда экан насибам тугал,
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.
Сен онам, сен синглим, ёримсан, азал,
Эй, жоним, жаҳоним – Ўзбекистоним.

Иста, қисматимга ўзинг бер барҳам,
Иста, яхши кунда номим қилгил ёд.
Менсиз ҳам мукамал экан бу олам,
Менсиз ҳам бахтга ёр экан одамзод.

Юртим, фақат сенинг кўлингдан тутиб,
Болангдай эргашиб кета олсам, бас.
Сен пири комилсан, мен сенга муҳиб,
Сени танимаган мени ҳам билмас.

ОНАМГА ХАТ

Қайтгим келди, онам, ёнингга,
Юрагимда исмсиз дардлар.
Совук хонам, соат чик-чики,
Ташқарида хазонрез боғлар,
Ёмғирнинг жим хониш қилиши...
Бариси ҳам нечундир бу дам
Туширмакда сени ёдимга...
Қайтгим келди, онам, ёнингга.
Юрагимни очиб гапирсам,
Кам-кам бўлар менда бундай хол.
Шодмон юрсам, менинг ёдимга
Сен тушмайсан ростдан, онажон.
Ногаҳоний бундай холда-чи,
Шундай кўргим келади сени.

ЭЙ, ЖОНИМ, ЖАҲОНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ

Айтсам сенга бор гапларимни,
Орзуларим, хасратларимни,
Йиғлаб, кулиб айтгим келар, ха,
Одамларнинг кадру кимматин
Англамаймиз бирга бўлганда.
Аммо ноғох узокка тушсак
Ё танҳолик хасратин чексак,
Баъзан шундоқ,
Одам зотининг
Тирноғига зор бўламиз, ха!
Тушунмайман бул хақиқатни,
Сен-ку, ахир онасан, она...

Онам, ранжимагил хатимдан,
Мен ростини ёздим, шод дамим
Сен тушмайсан асло эсимга.
Аммо ҳаёт ўзи, биламан,
Солар сени ёдимга бот-бот.
Яъни, бошимизни доим ҳам
Она бўлиб силамас ҳаёт.

СОҒИНЧ

Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.
Барча ташвишларни унутиб, шодон,
Қайтгим келаётир қошинга буткул.

Қисмат майин ичдим – аччиқ ва тахир,
Туйдим эхтироснинг самовий кучин.
Дунёда одамзод яшамас, ахир,
Фақат иродасин синамоқ учун.

Парчагина булут,
Чексиз осмон,
Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.

Барча ташвишларни унутиб, шодон,
Қайта олсам эди қошинга буткул.

ГИЁҲ

Улғувор бир қудрат билан
Чайқалади чўнг денгиз.
Қанча оғир харсанг тошлар
Тубда унга чўккан тиз.
Аммо мўъжаз, нозик гиёҳ
Ўша тубсиз ўлкада.
Кўкка ўсар, ха, денгизни
Кўтарганча елкада!

Сен Пушкиннинг севган малаги,
Сен Гёте орзу этган киз.
Сен Байроннинг ўтли юраги,
Сен Гейнени ёндирган юлдуз.
Алишернинг Гулисисан сен,
Сен Лутфийнинг сўлим газали.
Булбулисан Ҳофиз гулшанин
Ва Хайёмнинг ширин асали,
Толемда нозлиниб турган
Эй сен, менинг эрка гўзалим!

Қани, най бер менга, дўстгинам,
Бергил, майли, рубоб бўлса ҳам.
Бер, бир нафас бўшатиб олай
Тулиб кетган юрагимни ман.
Қаламимнинг кучи етмади
Хисларимни буткул тўқмокка.
Дўстим, тингла, япроқчаларнинг
Шивирлаши эшитилмокда...
Гўзал, сокин окшом чўқмокда,

Тебранади елда чироклар.
Дарахлар ҳам сокин солларан...
Қандай маъсум, эрка бу чоклар...
Қандай ширин дамлар... менинг ҳам
Юрагимда бир ҳис тошмокда,
Юрагим ҳам дарахтзор каби
Ниманидир олқишламокда.
Кўзларимга бу ёруғ олам
Кўринмокда бирам суюмли.
Қани, най бер менга, дўстгинам.
Тўқай тўлиб кетган кўнглимни.

Ўтинаман,
Йироклардан мен
Хузуринга соғиниб елсам,
Толемга кулиб чикқин сен,
Кувончингни яширма ҳеч ҳам.

Узоқларга отлансам яна,
Сафар тўнин кийсам эрта-кеч,
Ўтинаман, эркам, ўшанда
Дариг тутма кўз ёшингни ҳеч!

– Хайр энди...
Қалбимда бир видео қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!
Бугун бош устингда кимнинг паноҳи?!
Сени кеч топганим, эрта йўқотдим,
Қарагин, лойикман сенинг қаҳринга.
Ўзгалар қалбида кадр уйғотдим,
Бирок етолмадим ўзим қадринга.
О, инсон қисмати, бунчалар чигал,

Бунчалар хилма-хил фоже ва аза.
Қисматим, ўзимман гуноҳкор бу гал,
Наҳот, гуноҳкорга кўшиқдир жазо?!
– Хайр энди...
Қалбимда бир нидо қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, бегуноҳ оху.
Бугун сен қайдасан? Қайларда қолдинг?!
Сен бугун кимларнинг маъсум ҳамроҳи?!
Қайси бир одамнинг бахтига ёрсан,
Очилдими сенга толе дарчаси?!
Бугун сен кимларнинг меҳрига зорсан
Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси.

Хат ёзмадим,
Хабар қилмадим,
Боролмадим, солиб галга гал.
Қандай экан онам, билмадим,
Йўлларимга тургандир махтал.

Хат ёзарми ўғлим, деб, зора
У-ку мени турибди кутиб.
Мен-чи, ношуд, бўлиб овора
Авлодларга ёзаман мактуб.

Дўрмон боғларига тинч окшом чўқди,
Чинор баргларига инди куйларим.
Шаҳарда зерикиб, боғ томон чикди
Эски танишларим – ошно ўйларим.

Бу жойлар бахаво, гўзал ва лобар,
Офтоб ҳам кўз узмас ёна ва ёна.
Юксак арғувонлар, оғочлар сербар,
Бу шеър қошонаси, бу ижодхона...

ДЎСТИМ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРИМ

Бошланиши 1-саҳифада

Ўша пайт Абдулланнинг ярқ этган шеърлари машҳур бўлиб, мухлислари сони ортиб бораётган пайтлар. У менинг Москвада ўқиётганимдан хабардор экан. Шу кунларда, аниги, “Совет Ўзбекистони” газетасининг 25 январь сониди эълон қилинган бир туркум шеърларимни ўқиганини айтди. Раҳмат, дедим. Гапларимиз бир-бирига қовушиб кетди. Сухбатимиз тугамасди. Вақт кеч бўлиб борар, бизнинг эса айрилгимиз келмасди.

Менинг борадиган жойим йўқ. Ҳали аниқ жой топмаганим, вақтинча Ўзбекистонга ўқимаси қабулхонасида “турардим”. Абдуллада ҳам аниқ турар жой йўқлиги маълум бўлди.

– Дўстим, бир иш қиламиз, – донишмандона фикр билдирди у. – Ҳозир бир жойга борамиз!

Икков эш-қўш бўлиб “бир жой” – “Аспирантлар уйи”га етиб бордик. Бинога кирдигу долонда чапга бурилдик ва тўғридаги 11-хонага қараб юрдик. Абдулланнинг бу ерга кўп марта келгани кўриниб турарди. Бизни бежиримгина мўйлов кўйган, ўзимизга ўхшаган озгингина бир йигит қарши олди.

– Танишинг: бу – Бегали Қосимов! – деди Абдулла.

Бегали бизни кўриб хурсанд бўлиб кетди, очик юзли, хушрўй йигит, дарров чой кўйди, меҳмон қилди.

Хушсуҳбат йигит экан. Давра кизигандан кизиб кетди. Адабиётнинг бугунги аҳоли, унинг келажаги ҳақида кайғуришлар суҳбатимиз мавзуси эди. Соат кеч ўнлар бўлиб қолди. Бегали кўрдик, меҳмонларнинг бугун бу ердан кетгилари йўқ... У бизларни холи қолдириб, бошқа хонага чиқиб кетди. Биз кечаси билан шеър ўқиб, завқланиб тонг оттирдик...

Ўша-ўша, мен Бегали Қосимов билан кадрдон дўст бўлиб қолдим.

Абдулла Орипов – ўзбек шеърятини осмонда ўзининг “Митти юлдуз” номли китоби билан ярқ этиб кўзга ташланди. Кейин маълум бўлдики, Абдулла Орипов ўзининг ноёб истеъдоди, тафаккурининг тиниклиги, ақлининг теранлиги, гидрокиннинг ўткирлиги, фикру мушоҳадасининг файласуфона юксаклиги билан митти юлдуз эмас, балки буюк салоҳият эгаси бўлган порлок юлдуз эканини кўрсатди. Бадияти кучли ажойиб шеърлар, дostonлар ёзди, таржималар қилди, адабиётимиз хазинасини ҳақли равишда бойитди. Унинг ҳар бир шеърда янги фикр, ибора, ажойиб ўхшашма, муболаға, бадий топилма бўларди, шеърни пухта ишларди. Ўша пайтлар “Октябрь асри” деб ҳамма ёқда жар солиниб турганда, Абдулла Орипов ундайларга қарата:

Асрим-асрим, дейсан, асринг нима у?
Тўзгиган календарь варокларидир! –

дея хайқирган эди.

Абдулла Орипов менинг илк китобим “Фозодаги ҳислар”га муҳаррирлик қилди, тахрирдан ўтказди, чиройли мукова ишлатди, нашр қилинишида жонбозлик кўрсатди. Китобга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухратдан сўзбоши олиш фикри ҳам Абдулладан чикди. Ҳаммаси кўнгилдагидек чиройли бўлди.

Бизлар ўз ижодий машқларимизни ўзаро таҳлил қилиб, маслаҳатлашиб турардик. Абдулла аввал шеърини ёзиб, иккиланган жойлари бўлса, ўқиб берар, фикрларини эшитиб, кейин тахрир қилар, маромига етказарди. Жуда кўп шеърлари кўз олдимизда ёзилган. “Тилла балиқча”, “Онажон”, “Аёл”, “Баҳор”, “Ўзбекистон” ва бошқа шеърлари шулар жумласидан.

1967 йилда “Гумбаздаги нур” дostonим ёзилганда кўп маслаҳатлар берганди, ҳатто дostonни “Гумбазлар гурунги” деб номлашни таклиф қилганди. “Улуг салтанат” эпопеясининг биринчи китобида: “Осмон фавқулодда тиник, худди артиб кўйилгандай топ-тоза эди” жумласини ёктириб: “Тасвири қаранг!” деб мактаб қўярди. “Улуг салтанат” эпопеясининг 4-китоби “Шоҳрух Мирзо” романи муҳокамасини Абдулла Ориповнинг ўзи бошқарган эди.

1970 йилда бир гуруҳ уй-жойга муҳтож ижодкорларга янги қурилган тўққиз қаватли уйдан хонадонлар ажратилди. Абдулла рафикаси Ҳанифахон билан 2-қаватга, мен оилам билан 9-қаватга жойлашдик. Бу уйда Миртемир, Шукур Холмирозев ва турли миллат вакиллари яшар эдилар.

Ҳозиргидек эсимда, бир куни кечаси соат тўртларда эшигимиз тақиллади. Эшикни очсам... Ҳанифахон турибди. Оғирбўй холида кийнаиб иккинчи қаватдан тўққизинчи қаватга чиқибди! Лифт шу куни аксига олиб ишламай қолган...

“Анча бехузурман... Мени туғруқхонага олиб боринглар!”

“Абдулла қани?.. Пастдами?..”

“Йўқ... Чилонзорда меҳмонда эдилар...”

Машина чақирдик. Олтинчи туғруқхона ҳам, хайрият, узок эмас...
Соат эрталаб олтида кимдир эшигимизни коқди. Абдулла экан. Уйга келса, Ҳанифахон йўқ... Дарҳол иккимиз туғруқхонага қопдик. Буни қарангки, биз Ҳанифахоннинг туғруқхонага элтганимиздан ўн беш минут ўтмай, у кўз ёриган экан! Чақалоқ номини “Шоира” деб қўйдилар.

Ўшанда собик иттифоқда аҳолини рўйхатга олинаётган кунлар, чамаси, 1970 йил 20 – 21-январь кунлари эди. Мен Шоирани кўрсам: “Сен менинг ҳам қизимсан. Сен ўша аҳоли рўйхатига кириб қолгансан!”, деб ҳазиллашаман.

Бизларни яқинлаштирган жиҳатлар, албатта, биринчи галда, ижод, иккинчиси, эшигимиз тенглиги (йўқ, Абдулла мендан бир ёш катта эди), учинчиси – замондошлигимиз. Балки муҳими – иккимизнинг ҳам кишлоқ болалари эканимиз, феълларимиз ҳам жайдари, соддалиги. Ҳарқалай, муносабатларимизда қуруқ олифтагарчилик йўқ эди. Мен нимагадир: “Бизлар – плебейларимиз” деган сўзни такрорлашни яхши кўрардим. Абдулла ҳам менга қўшилди.

“Плебей” – лотинча сўз бўлиб, “оддий халқ” маъносини беради.

Бир-биримизни яқин олишга ундайдиган қизик жиҳатлар ҳам бор. Масалан, Абдулланнинг онаси Турди Карвон кизи, менинг онам Турдихон Эгамназар сўфи кизи, улар отдош эдилар. Абдулланнинг отаси Ориф бобо юртнинг таникли кишиларидан, узок йиллар қолхоз раиси бўлган, менинг отам Ахмадқул сўфи Бекназар сўфи ўғли ҳам қолхоз раиси бўлган, ҳар хил давлат ишларида хизмат қилган. 1939 йилда Катта Фарғона канали қурилишида қатнашган. Ўшанда мамлакатда ҳар бир қорхона, қолхоз ё ташкилотга қизиш учун ўн метр, йигирма метр ер ажратиб берилган, шу сабабдан канал 45 кунда тайёр қилинган. Канал қурилиши умумхалқ иши эди, аниқ билмайман, лекин Ориф бобо ҳам ўз қолхозни аъзолари билан канал қурилишида қатнашганларига шубҳа қилмайман.

Абдулла менинг отам билан таниш эди, улар кўришганларида узок суҳбатлашиб, отам ҳам бундан мамнун бўлар эди. Ориф бобо Тошкентга келганларида бориб зиёрат қилардим, суҳбатларимиз қизгин кечар, кўп нарсаларни сўраб олардим. Хайрлашаётганимизда, Ориф бобо менга хамиша: “Сен Абдуллага айтиб тургин, тенгқурсизлар-да, гапинг ўтади, оғир ботмайди, анови зормандадан узокрок юрсин!”, деб насихат қиларди.

Кўп сафарларда Абдулла билан бирга бўлганмиз. 1983 йили Москвада, Марказий адабиётчилар уйида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, камина ва Омон Матжон ижодига бағишланган “Ўзбек шеърятини кечаси” ўтказилди. Москвалик шеър ихлосмандлари, шоирлар ва таржимонлар залга йиғилиб келдилар. Шеърлар ўқилди, рус шоирлари сўзга чиқдилар... Камтарликни

бир четга қўйиб айтиш мумкинки, кеча ўзбек шеърятининг байрамига айланди!

1970-йилларда жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилишдек қутлуг ишлар бошланиб кетди. Бир давр бўлган экан, Абдулла Орипов Данте Алигьерининг оламшумул “Илохий комедия” асарини ўзбек тилига таржима қилишдек ишга қўл урди... Шунга айтиш жоизки, Дантедек шоир ижодини ўз она тилида жаранглатиш учун жуда катта салоҳият, билим ва

кин хозирча мақоламни ушбу шеърлар билан якунламоқчиман.

МУВАШШАҲ

Аламли ҳаётдан нолиб гоҳида
Боболар кўзига олишарди ёш:
“Дунёнинг беқарор қароргоҳида
Умр посангисин босарми ҳеч тош?...”
Лаълу дур ҳам бунда чорасиз қолур,
Лавозим дегани маънисиз бир гап.
Аммо яшамокнинг файзи йўқолур



жасоратга эга бўлиш лозим. Абдулла Орипов худди шундай ижодкор эди. Ўша паллалар Эркин Воҳидов Иоганн Вольфганг Гётенинг бебаҳо “Фауст” трагедиясини ўзбек тилига ўғирди. Қодир Мирмухамедов Ҳомернинг улуг “Илиада” билан “Одиссея” эпосларини, Жованни Бокаччонинг “Декамерон” романини ўзбекчалаштирди. “Шоҳнома” таржима этилди. Ўзим ҳам буюк хинд эпоси “Рамаёна”ни она тилимизга таржима қилдим. Шу муносабат билан ўша пайт Республика раҳбари бўлган давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидов каминани олтин пероли ручка билан тақдирлаганди. Шу воқеалар нари борса ўн-ўн беш йил ичида рўй берди. Адабиётимиз қанчалар бойиди, буни оддий сўз билан таърифлаб бўлмайди! Ҳайратга лойиқ ҳодиса!

Дўстим, халқимизнинг ардоқли ўғли хамиша ёдимизда. Турли йилларда ўзбекининг буюк шоири Абдулла Ориповга шеърлар ҳам бағишлаганман. Хотираларим кўп, ле-

Жаҳоннинг савдосин кетсангиз ўйлаб.
Омади гап эмас, хазинаи ганж,
Нурафшон эрмак бу, буюк бир юпанч:
Озодлик туйғуси дилни яшартсин,
Рухият тонлардан олсини нафас,
Илҳом моҳайқари бағрига торсин,
Фароғат гоҳида сийлаб турсин. Бас!

1970

Абдулла Ориповга

Рост дединг: ит хурақ қарвонга доим,
Бекордир саклардан ўзгани кутмок.
Азал қонунда битилмиш қоним,
Итларга хурмоғу қарвонга ўтмок...

Майлига, дўстгинам, койитма жонни,
Бехол увалмасин хориган юрак.
Ғафлат босмасин деб, ахир, қарвонни,
Итларнинг ҳам хуриб турмоғи керак!..

2007

Бошланиш 1- саҳифада

1963 йили Бухоро давлат мусика билим юртининг биринчи курсига ўқишга кирганимда, Мустафо Бафоев тўртинчи курс талабаси эди. Шунга қарамай, нафақат талабаларнинг, балки ўқитувчиларнинг ҳам диққат-этиборига тушганди. Хўш, бунинг боиси нимада эди? Гап шундаки, М.Бафоев гижжакчи сифатида ўқув дастури бўйича берилган композиторлар асарларини мукамал ижро этишга эришган, халқ мусика меросини ҳам яхши ўзлаштирган ва бу асарларнинг барчасини мохирона ижро эта билган.

Бухоро вилоятининг Когон туманидаги “Ганчакш” кишлоғида таваллуд топган М.Бафоев ёшлигидан мусикага қизиқкан. Буну кўрган амакиси “Сен, албатта, мусика соҳасида ўқининг керак”, деб отасининг қаршилигига қарамай, 1960 йили Бухоро давлат мусика билим юртига олиб келган. Ўқитувчилар унинг иктидорини синаб кўриб, гижжак чолғуси бўйича Сами Воҳидов синфига қабул қилишган. 1964 йили билим юртини муваффақиятли битирган М.Бафоев Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига, гижжак чолғуси бўйича доцент Белеңкий синфига қабул қилинади. Дирижёрлик фанидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Мардон Насимов синфиди тахсил ола бошлади. Консерваторияда ўқиб юрган кезларида фортепиано фанидан ўзлаштираётган асарларини эшитган одам “бу йигит пианиночи бўлса керак”, деган фикрга борарди. Чунки у жуда мураккаб бўлган Машковскийнинг “Концерт” этюдини, Ф.Шопеннинг “Инқилоб этюд”и каби йирик ва мураккаб асарларни ижро этганида хавас қилганмиз.

1969 йили, битириш имтиҳониди бошқа асарлар қаторида, ўзининг “Скерцо” асарини ҳам давлат комиссияси эътиборига ҳавола этган. Асар ижроси тугаши биланоқ комиссия аъзолари ўрнидан туриб олиқшашади ва бир овоздан Мустафо Бафоевни композиторлик факультетига ўқишга қабул қилиш зарурлиги ҳақида баённома тузишади. Бирок... тақдир тақозоси билан бу иш шу йилнинг ўзиди амалга

бўлади. 1977 – 1979-йилларда ассиссентура-стажировкани ҳам муваффақият билан битиради. 1980 йили Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигига бағишлаб унинг еттига рубойиси асосида жўрсиз хор жамоаси ижроси учун “Етти лавқа” асарини яратди ва ўзбек туркумли жўрсиз хор асарлари жанрига асос солди. 1980 йили Ўзтелерадио қошидаги халқ чолғулари оркестрида, кейин шу жамоанинг бадий раҳба-

ларимиз ҳақида асарлар яратган. Ал-Хоразмийнинг юбилей тадбирида яккахон ва хор жамоаси ижроси учун “Аллома” номли жўрсиз поэма-кантатасини яратиб, ўзбек хор йўналишида поэма-кантата жанрига асос солди. 1986 йили буюқ файласуф ва математик Умар Хайём ҳаёти ва ижодига бағишлаб “Умар Хайём” номли операсини яратди. Шундан кейин Ал-Фарғонийга бағишланган “Севгим самоси”, “Ибн Сино”

га мўлжалланган бу асар мамлакатимиз мусика санъатида янгилик бўлди. Бундан ташқари, “Ҳолати Алишер Навоий” деб номланган 5-чи симфонияси яккахон ва хор ижросига мўлжалланган. Худди шундай, Увайсий ғазаллари билан “Мақом садолари” асарини яратганки, унинг оҳанги том маънода композиторнинг ижод маҳсулидир. Мустафо Бафоев халқ мусика меросини яхши ўзлаштирган

эди. “Шаҳидлар хиёбони”нинг очилиш тадбирида Ўзбекистон халқ артисти Марям Сатторова ижросидаги “Жигарим” асари ҳам М.Бафоев қаламига мансуб.

Бугун М.Бафоевни композитор сифатида нафақат республикамизда, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам яхши танишадди ва унинг асарларини завқ билан ижро этишадди. Шунинг учун ҳам ижодкор АҚШ композиторлар ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси этиб қабул қилинган. АҚШ, Япония каби мамлакатлардан унга буюртмалар беришади, муаллиф сифатида биринчи ижро пайтида мамлакатларига таклиф қилиб туришади.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг мусика муаллифи, Ўзбекистон халқ артисти, буюқ композитор Мугал Бурхоннов “Мен ёш бўлганимда, албатта, композитор Мустафо Бафоевга шогирд тушар эдим”, дея эътироф этган. Бу бежиз эмас, албатта. М.Бафоев ижод билан бир қаторда педагогик фаолиятини ҳам олиб бормокда. У 2001 йилдан буён Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Бастакорлик ва чолғулаштириш” кафедрасида профессор лавозимида талабаларга сабоқ бериб келмокда. Композиторнинг неваралари – устоздалар Мухаммадjon ва Парвинахон Австрияда таълим олиб, халқаро конкурсларда ғолибликни қўлга киритган вағандошларимиздир. Ҳамон ижодда давом этаётган устоз композиторга узок умр, сихат-саломатлик ва янги ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Жўра ШУКУРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби, профессор

МУСИҚАГА БАҲИШДА УМР

ошмай қолади. 1972 йили (М.Бафоев Бухоро давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, иккита фарзанднинг отаси бўлиб турган бир пайтда) устози, профессор М.Насимов М.Бафоевга кўнғирок қилиб, “Консерватория раҳбарияти ўзгарди, Сиз, албатта, композиторлик факультетига ўқишингиз керак”, деб қайта-қайта тайинлайди.

Оиладагиларнинг ҳаммаси яна ўқишининг кераги йўқ, деб турган бир пайтда турмуш ўртоғи: “Майли, борсинлар, чунки кўраяман, бу кишининг шувас халоватлари бўлмайди”, дея розилик беради. Шундай қилиб, 1972 – 1977-йилларда М.Бафоев композиторлик факультетига, мутахассислик бўйича профессор Борис Гиенко, чолғулаштириш бўйича эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Алексей Козловский синфларида таълим олади. Ўқиш даврининг ўзидеяк Бутуниттифоқ ёш композиторлар танловида ғолибликни қўлга киритади. Ўқишни битиришда давлат комиссияси эътиборига симфоник оркестр ва хор жамоалари ижроси учун яратган биринчи “Бухоронома” номли ораториясини ҳавола этиб, олқишларга сазовор

ри ва бош дирижёри сифатида ишини давом эттирди.

М.Бафоев оркестрга раҳбарлик қила бошлагандан жамоада ижодий муҳит ўзгариб, ижодий ўсиш бошланади. Бунга 1988 йилнинг ноябрь ойида Консерваториянинг қатта залидаги концерт мисол бўла олади. Ўша даврларда Ўзбек давлат филармонияси қошида Т.Жалилов номлидаги халқ чолғулари оркестри фақат академик ижро йўналиши билан шуғулланар, яъни ҳам академик, ҳам халқ йўлида баравар ижро этишининг иложи йўқ, деган фикр билан иш туттишарди. Мустафо Бафоев эса иккисини ҳам бараварига олиб бориш нафақат мумкин, балки керак, деган ақидага асосан иш тутган эди.

М.Бафоев аслида гижжак чолғуси мутахассислиги бўйича таълим олган бўлса-да, унинг композиторлик фаолиятини хонандалик санъатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Симфоник оркестр ва халқ чолғу оркестрлари фортепиано жўрлиги асосида кўплаб кўшиқлар, романслар, хор жамоаси ижроси учун жўрли ва жўрсиз асарлар яратгани бунинг яққол мисолидир. Композитор тарихий асарларга ҳам муурожаат қилиб, ўтмишдаги аллома-

ва “Борбад”, “Амир Темур”, “Хамса”, “Алишер Навоий” опералари ёзилди. Булардан ташқари, Муқимий номидаги муסיқий театрга бир қанча драмалари ижро этилган ва бугунги кунда ҳам ижро этилмокда.

Таъкидлаш жоизки, М.Бафоев мамлакатимизда хали яратилмаган жанрларга қўл уриб, ижодкор сифатида ўзининг янги-янги кирраларини намоён қилаверади, янгилик яратишдан тўхтамайди. “Бухоройи шариф” телерадиси, “Нодирабегим” ва “Увайсий” телебалетлари, диний мавзудаги “Ҳажнома” ораторияси бунинг яққол мисолидир. Маълумки, симфония деганда фақат симфоник оркестр ижросидаги йирик жанрдаги асар тушунилади. Европада машҳур композитор Л.В.Бетховен 9-симфониясининг якуний қисмида хонандалик санъатидан, яъни хор ижрозчилигидан фойдаланган биринчи композитордир. Ўзбекистонда эса 1980 йили М.Бафоев буюқ саркарда, шох ва шоир Бобурнинг тўртта ғазали асосида “Ғазал” деб номланган биринчи симфониясини яратди. Яккахон, хор ва симфоник оркестр ижроси-

санъаткор. Қолаверса, ўзи чолғучи-созанда бўлгани билан овознинг ижро имкониятларини ҳар томонлама мукамал ўзлаштиришга муваффақ бўлган. Овоз учун яратган асарларининг биринчи ижрозчиси унинг ўзидир. Шу сабаб бўлса керак, Қашқар рубоби учун икки қисмдан иборат поэماسи Озарбайжон ва Арманистон олий таълим муассасаларининг тор чолғуси бўйича репертуаридан жой эгаллаган. Мустақиллигимиздан кейинги “Мустақиллик”, “Наврўз” байрам концертлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Амир Темур ва Мирзо Улугбек, Баҳоуддин Накшбанд, Ал-Фарғоний каби алломаларимиз, озошлик куйчиси Чўлпонга бағишланган юбилей концертлари, мамлакатимизда бўлиб ўтган кўплаб қатта концерт дастурларида асосан М.Бафоев қаламига мансуб асарлардан фойдаланилгани ҳаммага маълум. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” фестивалининг 1997, 1999 ва 2001 йиллардаги концерт дастурларида ҳам шу композитор қаламига мансуб асарлардан олинган

Маълумки, “Бир актёр театри” томошаси ўзбек театр санъатининг таркибий қисми ҳисобланади. Ваганимизнинг профессионал театрларида бу йўналишда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилган. Бунда томошаларнинг бадий-ғоявий жиҳатдан етуқлик мезони халқ қилувчи роль ўйнаган. Ўзбекистон халқ артисти Малика Иброҳимова илк бор 1980 йили А.Блокнинг “Ўн иккинчи” номли шеърини мустақил ишлаб кўради. Шу сабаб кейинчалик, унда якка тартибда спектакль яратиш, уни мустақил ижро этиш фикри туғилди. Аммо бу осон эмасди. Унга ҳатти-ҳаракат, завқ, томошавийликни қўшиш талаб этиларди. Яна актёр бир қахрамондан бошқа бир қахрамон қиёфасига бир зумда ўтиши керак. Қолаверса, ҳар бир қахрамоннинг характери бир-бирдан кескин фарқлиниши шарт.

Малика Иброҳимованинг якка ижродаги илк спектакли “Илҳом” театрдистудиясида намойиш этилган. 1982 йили Аурел Баранганинг “Жамоат фикри” номли драма жанридаги асари режиссёр Эргаш Масафоев томонидан “Бир актёр театри” талабларига мослаб сахналаштирилган. Актриса бу спектаклда тўртта қахрамон қиёфасини якка ижрода гавдалантирган. Шов-шув бўлган мазкур томоша оммавий ахборот воситалари вақилларининг назарига тушди ва у ҳақда мутахассислар томонидан мақолалар чоп этилди. Актрисанинг бир-бирига ўхшамаган тўртта қахрамон характерини ўзига хос услубда яратгани санъатшунослар томонидан юқори баҳоланди.

М.Иброҳимова ижросидаги “Ёлғиз аёл” спектакли кўпчилик театр ва кино санъати вақиллари томонидан илқ қутиб олинган. Италиялик драматург Дарио Фо асари асосидаги ушбу спектакль 2011 йил “Theatre.UZ” халқаро театр фестивали доирасида Республика ёш томошабинлар театри саҳнасида намойиш этилди. Спектаклнинг илк намойиши 2009 йили бўлиб ўтганди. Режиссёр Авлиёқули Ҳожикюлиев спектаклнинг ғоясини аёл зотининг хушмуомалалиги ва унинг ички дунёсидаги зиддиятларга қурган. Актриса ушбу спектаклда ҳам тўртта образни гавдалантирган. Профессионал режиссёр ва актрисанинг ҳамкорликдаги бу ижод намунаси нафақат юртимизда, балки Қирғизистон, Украина, Қозғистон Республикаларида намойиш этилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

Чингиз Айтматовнинг “Момо ер” асари асосидаги спектакль 2016 йилдан Ўзбек Миллий академик театри саҳнасида ўйнала бошлади. Сахналаштирувчи режиссёр Фозур Мардонов ушбу томошада М.Иброҳимованинг янги ижодий кирраларини очишга муваффақ бўлди. Сахналаштирувчи расом Флора Газизова декорациялари актрисанинг саҳнада бемалол ҳаракатланиши учун ҳар томонлама ижодий муҳитни тақдим этган. Расом Ф.Газизова топилмалари образнинг таъсирчанлиги яна ҳам ошишга хизмат қилган. Бош роль ижрозчиси Малика Иброҳимова Тўлғаной образини ўзига хос талқинда ижро этолган. Партнерлари – Сувоқкул, Қосим, Майсалбек, Жайнақ, Жекшенқул каби образлар орқали (артист Ихтиёр Отажонов) воқеалар ривожланиб боради. Спектакль сахналаштирилиши ва услуб жиҳатидан якка ижро шаклида бўлса-да, муаллиф айтмоқчи бўлган ғоялар кичик-кичик сўзловчи деталлар орқали кўрсатилган. Бир сўз билан айтганда, Малика Иброҳимова “Жамоат фикри” “Рухлар

исёни”, “Хайрли тун, она”, “Инсон овози” каби саҳна асарларида якка ижрони маромига етказиб ижро этди. Бу билан актриса якка ижрога асосланган саҳна асарларини юксак даражада ижро этиш маҳоратига эгаллигини кўрсата олди. Кўкун давлат мусикали драма театри репертуаридан ўрин олган “Шинель” моноспектакли пластик ҳаракатлар ва пантомимага асосланиб сахналаштирилган. Моноспектакль сюжет линияси ва композицион қурилишга эга. Ифода воситалари ва декорация ҳам яхши ўйланган. Саҳна-

орқали ифодалайди. Воқеалар давомида кўзгага қараб ақсини кўради ва ачинади. Актёр пластик ҳаракатлари билан эшик очиб, кўчага чиқади. Бехосдан йиқилиб кетиб, ўрнидан туриши билан шинелини ушлаб кўради, чанглирини қоқиб ташлайди, ўзига жисмоний зарар етгани билан иши йўқ, шинели омон бўлса бас.

Акакий ишхонасига кириб келиши билан яна тушкун муҳит ичида қолади. Ҳеч кимнинг у билан кўришгиси келмайди. Томошабинда унинг ҳолатига ачиниси хисси пайдо бўлади. Ижро давомида мусика ва шовкинлардан фойдаланилган. Шовкин ва чирок эффекти орқали ёмғир – бурон муҳити берилган. Уйга бир амаллаб етиб келса, шинелининг ярағулик холи қолмаган. У шинелини боласи каби бағрига босиб эркалайди, ташвишга тушади. Актёр бу ҳолатни кўзларида акс эттиради. Шу ўринда саҳнанинг уч томонидан кубиклар устида турган шер, тулки кўғирчоқлар ва ўргимчак ўз вазифасини бажаришга киришади. Шер ўша даврнинг лоқайд, манфаатпараст ҳокимлари, тулки инсон зотини бир пулга олмайдиган муғомбир миршаблар, ўргимчак тасвири туши-

мат кўрсатган артист Гулбахор Йўлдошева ижро этди. Адабий-бадий композиция асосидаги спектаклни таникли режиссёр Баҳоидир Йўлдошев “Бир актёр театри” талабларига мослаштириб сахналаштирди. Мазкур саҳна асари 2015 йилнинг декабрь ойида Қозон шаҳрида ўтказилган “Ремесло” фестивалида муваффақиятли намойиш этилди. Шоиранинг бошидан кечирган машаққатлари, сабри, бардоши, иродаси, матонатли ифодаланган моноспектаклни Гулбахор Йўлдошева маҳорат билан ижро этди. Режиссёрнинг топилмалари, шоира Зулфиянинг ҳаётидаги воқеалар она, қўшни, келин каби тимсоллар ила мантқан бир-бирига боғланган актрисанинг таъсирчан ижросига ёрдам берган. Якка ижрога мўлжалланган саҳна асарлари нафақат драматик театрларда, балки кўғирчоқ театрлар фаолиятида ҳам қузеллади. Ўзбек кўғирчоқ театрлари орасида илк бор хориж сафарига отланган Ўзбек миллий кўғирчоқ театрида Гане Христиан Андерсеннинг “Чўчкабоқар ва малика” ҳамда “Нўхат устидиға малика” эртаклари асосида “Оле-Лукойе эртаклари” номли якка

планшетлар эса Ригада ясалиб, Тошкентга олиб келинган”. Санъаткорнинг 25 йиллик ижодаида айни шу спектакль муҳим роль ўйнаб келди. Кейинчалик спектаклни Фарғона кўғирчоқ театри актёри Нодир Аъзамов билан қайта сахналаштирди. Ҳозирда бу умри узок саҳна асарини унчинчи авлод вақили ижро этмокда.

2019 йили Қашқадарё вилоят кўғирчоқ театри Гане Христиан Андерсеннинг “Қалай аскар” номли эртаги асосида моноспектакль сахналаштирилди. Спектаклни режиссёр Файрат Ҳамроев бир актёр театри талабларига мослаштирган бўлса, ролни актёр Азизжон Ғуломов ижро этган. Спектаклда актёр бир нечта персонажларни кўғирчоқлар ёрдамида якка ўзи гавдалантирган. Актёр гоҳ аскар, гоҳ малика, баъзи ўринларда эса масҳарабоз образини ҳар хил овозлар ва ҳаракатлар билан маромига етказиб гавдалантиришга олган. Ҳозирда якка ижродаги ушбу спектакль Қашқадарё болажонларининг сеvimли томошаларидан бирига айланган. Спектаклнинг инсценировкасини Каромат Дилмонов тайёрлаган, расом Руслан Тоштурдиев болажарга хос эртакнома муҳит яратолган. 2018 йили Ўзбекистон давлат драма театрида ёш режиссёр Р.Тоғайқулов “Сенга интизорман” номли моноспектаклни сахналаштирди. Асарни француз драматурги Жан Кокто дунёга машҳур француз кўғирчоқчи Эдит Пиафга бағишлаб ёзган. Спектаклда ёлғиз аёлнинг кечинмалари, орзу-истаклари ва изтирблари ифода этилади. Эдит Пиаф образини театр актрисаси Севара Ҳайдарова гавдалантирган. Спектаклда қахрамоннинг ички кечинмалари асосан монолог ва кўшиқлар орқали томошабинга етказиб берилди. Кенг овоз диапазолига эга актриса Эдит Пиаф кўшиқларини хонли ижрода қуйлайди. Унинг дардли овози, жонли томошабинга беихтиёр таъсир кўрсатиб, уни аёлнинг изтироби ҳаётига олиб қира олади. Гоҳ гамгин, гоҳ шодон кунларнинг барчаси кўшиқларга қурилган. Режиссёр ҳар бир саҳнани асосан чироклар билан ифодалайди. Ушбу спектакль “Дебют – 2018” ёш режиссёрлар танловида муносиб иштирок этди.

“Бир актёр театри” бугунги кунга келиб анъанавий ўзбек театрининг айрим жиҳатларини гина ўзлаштирди. Ҳозирги даврда тармокларни кенгайтиди: бадий сўз ижрозчилиги, сатирик монологлар (“сўзлашув” жанри, пародия, пантомима, бахши), бир актёр театри, моноспектакллар шулар жумласидандир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда моноспектаклларни янада ривожлантириш вақти келди. “Бир актёр театри”ни янги бошиқча кўтариш ўсиб келаятган ёшларнинг ва улarga таълим-тарбия бераётган устозларнинг кўмаги ҳамда саъй-ҳаракатлари орқали амалга ошади, деган умиддамиз.

Ҳушнат ТҶХТАЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини ўқитувчиси,
Зебо ТҶХТАЕВА,
санъатшунос

«БИР АКТЁР ТЕАТРИ» КЕРАКМИ?

лаштирувчи режиссёр ва ижрочи Шамсиддин Усмонов қахрамоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатларини, ички кечинмаларини пластик ҳаракатлар, миникалар орқали мусика жўрлигида ифодалайди. Бир умр янги шинель кийиш орзусида бўлган ва бунга эришиш учун анча машаққат чеккан инсон қиёфасини чизишда актёр бор маҳоратини ишга солган. Асар инсон ҳаёти давомида ухлаган нарсасига осонликча эриша олмаслиги, барча орзу-ҳавасларга меҳнат, машаққат, тўсиқларни енгиш орқали етишиши мумкинлиги ҳақида. Спектаклда асар ғоясига мос декорация, мусика, чирок, ифода воситалари мавжуд. Қахрамоннинг туғилишидан то ўлгунга қадар бўлиб ўтадиган воқеалар сўзсиз, ҳаракатга қурилган.

Хуллас, қахрамон турли ҳатти-ҳаракатлар орқали кимлигида ғайб изларқан, инсон эканлигини англайди. Бирдан чехраси ёришиб, дунё гўзаллиқларини кўриб дили яйрайди, айланли рақсга тушади. Ногоҳ нигоҳи разилликларга тушади. Акакий айни дамларда тулки қиёфасидаги одамларга дуч келади. Шунинг учун у саҳна ортидан тулкининг макетини кўтариб чиқади ва саҳнанинг ўнг томонидаги куб устига қўяди. У тулкига кўрқув арайлаш боқаркан, бирдан сергақлиниб, ундан хавфсизайди. Кейин шер қиёфасидаги одамларга дуч келгани боис шер макетини кўтариб чиқади ва саҳнанинг чап томонидаги куб устига қўяди. Шерга тикиларкан, унинг нигоҳи, салобатидан кўриб қолади ва саҳна ортига ўрнатилган ўргимчакка кўзи тушади. Охири сўнгги нажоткори – шинелининг тағига аширишиб олади. Унинг ямок бўлиб кетган шинелидан бошқа суянчиги йўқ. Актёр пластикаси, ҳатти-ҳаракатлари қараб унинг хат кўчирувчи, соддалик, самийини инсонлигини англаш мумкин. Аммо у ўзини ҳеч кимга керак эмасдек тасаввур қилади. Ҳамма уни туртиб ўтаверади. Актёр бу ҳолатни пластик ҳаракатлари

рилган сурат эса одамнинг ташқи кўриниши, кийимига қараб баҳо берадиган, бойликка ўч тикувчилар рамзларидир.

Янги шинели сотиб олишда ижрозчининг кийинчиликларини энгиб ўтиши акробатик ҳаракатлар, кўприк шаклидаги ҳаракатлар ва сакрашлар билан ифодаланган. Сўнгги тўсиқ – панжарани ҳам ёриб ўтгач, бор пулини тикувчига отади. Эвазига бир умр орзу қилган янги шинели олади. Кўчага чиқиб барчага мактанади. Ҳамма жойда унга илтфот кўрсатишади. У ҳаммасига янги шинели сабаб эканини тушунади. Лекин зиёфатдан қайтаётганида йўлтўсарларга дуч келиб, шинелидан айрилади. Ҳаётида биргина суянчиги, жамиятда ўрнини белгилаб турувчи шинелидан айрилганига чидай олмай, бу дунёни тарк этади. Актёр руҳ ҳолатига мохирона ўтиб, ўз жасадига боқиб гўё. Рухга айланганда ҳам шинелини излайди ва топади. Актёр саҳнадаги ёвузликларни ифодаловчи унсурларни йиғиб, шинели билан уларни кўмиб ташлайди. Шу йўл билан ечимга эришилади. Шуниси диққатга сазоворки, актёр саҳнада бир ўзи сўзсиз, пластик ҳаракатлар ва пантомима орқали барча воқеаларни талкин этган. Қирқ дақиқа давомида ижро этиладиган асарда шунча маънони очиб бериш актёрдан қатта маҳорат, қўнмиқа ва билимни талаб қилади.

Шунингдек, бастакор Сарвар Юсулов басталаган куй спектакль ғоясини очиб беришда муҳим аҳамият қасб этган. Ушбу моноспектакль Мисрда бўлиб ўтган Халқаро экспериментал театрлар фестивалида муносиб баҳоланди. 2013 йили “Дийдор” театр-студиясида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ижодига бағишланган “Хотирам синиклари” спектакли намойиши бўлиб ўтди. Зулфия ролини Ўзбекистонда хиз-




ижрога асосланган спектакль сахналаштирилди. Асарни илк бор Исо Ёқубов ижро этган. Мазкур саҳна асари Германия, Беларусь, Австрия, Америка Қўшма Штатлари, Россия давлатларида ижодий сафарда ўз томошабинларини тополди. 2004 йилдан бошлаб, якка ижродаги бу спектаклни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхулла Хўжаев ижро этиб келмокда.

Мазкур саҳна асарининг тарихи ҳақида Фатхулла Хўжаев шундай хикоя қилади: “1990 йили “Оле-Лукойе эртаклари” номли “Бир актёр театри”га мос кўғирчоқ спектаклнинг режиссёри ва биринчи актёри Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Исо Ёқубов бўлади. У мазкур томоша устида Латвияда хизмат кўрсатган санъат арбоби Л.Шенхов ҳамда бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Янов-Яновский билан ҳамкорликда ишлаган. Спектаклнинг декорацияси, реkvизитлари, керакли жиҳозлари Тошкентда тайёрланди. Турли

Абдурахим ҚОРАҚЎЧ
Туркия

Олтин кўприк



ТУН ОҚШОМ

Пўлат пичок билан сувларни кесдим.
Сувларни ювдим-да, деворга осдим.
Тушимда тушимга кирдим тун оқшом.

Булутга ясландим, нурларни тутдим.
Сени хотирладим, сени унутдим.
Ўзимдан ўзимни сўрдим тун оқшом.

Йўлларни тўпладим. Бир тўп айладим.
Мусаллонни тоқ бир манзил сайладим.
Турмасдан ўйланиб турдим тун оқшом.

Тупроғни бўядим, ўтлар йиғладим.
Ўтирдим, калқмадим – отлар йиғладим.
Туддим, йўрғинликни йўрдим тун оқшом.

Дардлар кечикаркан, бориб йўқладим.
Йиртиқ бўхчаларда умид сақладим.
Зангли дард занжирин кирдим тун оқшом.

Шишада тутқундир бир чечак иси,
Ёғди юрагимга ранг-ранг кўркувси,
Йўк ерга йўқликни сурдим тун оқшом.

Ой чикди. Кўлалар чўкди устимга.
Ҳижрон олов-олов оқди устимга.
Кўзимни йўлларда кўрдим тун оқшом.

Ойдинликка чопдим – коронглик чикди,
Ҳар севи, хар вафо бир онлик чикди.
Ўзимдан ўзимга бордим тун оқшом.

Дўстимга шеър битдим, хотира дедим.
Балки бир дўст келар, ўтирар, дедим.
Кўнглимни тупрокка кордим тун оқшом.

ОЙНАНИНГ ИККИ ЮЗИ

Тепада мол семирса, семириб, сузгани кўр,
Ундан кочиб, юмалаб, лой сувда юзгани кўр.
Бир ўлка ёниб ётса, ёнбошлар еб ётгани,
Ўт ўчирмай, бакириб, оламни бузгани кўр.

ТАНИШ

Бу кирли мухитнинг муҳрдорлари
Азроилга пора бермокни ўйлар;
Ўларкан дунёнинг энг айёрлари
Таниш-ла жаннатга кирмокни ўйлар.

ИЛОН ЯХШИДИР

Сизнинг “хақиқат”дан нафратланаман,
Ёлғонни суяман, ёлғон яхшидир.
Тўйдим шу гулдану маддох булбулдан,
Илонни суяман, илон яхшидир.

Шу чурук одатлар хўп жонга тегди,
Ялтоки ночорлар кўп азоб чекди,
Ким бўлса ўзига – афанди, бекдир,
Ҳайвонни суяман, хайвон яхшидир.

Майли, шуям охир жинни бўпти, денг,
Ҳақимда минг турли миш-мишлар тўқинг,
Елкамдаги юкдир тирингиз, мен
Ўлганни суяман, ўлган яхшидир.

Туркчадан Тохир ҚАХҲОР таржималари.

ХУШЁРЛИК ЗАРУР

Инсоният пайдо бўлибдики, ҳар хил хавфларга, шу жумладан табиатнинг вайронкор инжиқликларига фақат жамоа ва жамиятларга бириккан ҳолдагина курашиш мумкинлиги тўғрисида хулосага келган. Қайсидир маънода ушбу вазиятнинг ўзи давлатнинг келиб чиқиш сабабларидан бири деб ҳам ҳисоблаш мумкин.

Йигирма биринчи асрга келиб, хавфли эпидемиологик, табиий жараёнлар, техноген ва экологик фалокатларга қарши самарали кураш олиб бориш учун дунёнинг кўплаб мамлакатлари аниқ мақсадга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш лозимлиги тўғрисида хулосага келинди. Шу жумладан, бутун жаҳонда бўлгани каби МДХ давлатлари ичида Ўзбекистон ҳам биринчилар қаторида ушбу йўлдан борди.

Ҳозирги кунда бутун жаҳон мамлакатларида содир бўлаётган сув тошқинлари, Туркия давлатида содир бўлган мўддий воқеалар, зилзила, кум буронлари, тўфонлар, кучли шамол ва иқлимнинг кескин ўзгариши шу каби фавқулодда ҳолатларга олиб келмоқда.

Ж.ПҲЛАТОВ,
Олмасор тумани ФВБ бошлиғи
ўринбосари, подполковник

Кўргазма залларида

АЁЛЛАР ГУЛДАСТАСИ

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида очилган “Аёл – оламнинг қалби” деб номланган кўргазма Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди. Экспозициядан ўрин олган асарлар Шахноз Абду-



лаева, Флорида Гамбарова, Оксана Залевская, Татьяна Ли, Шарифа Шарофхўжаева, Сарвиноз Қосимова каби ижодкорлар мўйқаламига мансуб. Рассомлар натюрморт, манзара, портрет жанрларида самарали ижод қилаётган бўлсалар-да, асарларнинг асосий қисми аёллар образини яратишга бағишлаган. Жумладан, Шахноз Абдуллаеванинг “Куёш билан саломлашиш рақси”, Тамил Бисмахованинг “Куёш чикиши”, Рушана Алимованинг “Хаёлпараст”, Шарифа Шарофхўжаеванинг “Баҳор” каби асарларида нафақат аёллар сиймосини, балки азалий тақинчоқлару миллий либослар тасвирини кўриш мумкин. Бир қарашда, гўё чиройли безакларга бурканган аёллар тасвирланган-



дек туюлса-да, уларнинг юзидаги нур ва порлок кўзлари бахтиёрлигидан дарак беради.

Кўргазмага таникли хайкал-тарошлар Марина Бородина, Людвиг Нестерович, Назира Қўзиеванинг асарлари ҳам кўрк бағишлаб турибди. Кулол Римма Газалиева ясаган нафис чинни идишлар томошабинларга завқ бағишлаши тайин. Кўргазмада таникли рассомлар билан бир қаторда ёш ижодкорларнинг ижод намуналари билан танишиш мумкин.

БАҲОР ТАРОВАТИ

Бадий академиянинг кўргазмалар залида мамлакатимиздаги аёл рассомлар асарларидан иборат “Баҳор вернисажини” деб номланган байрам кўргазмаси ташкил этилди. Экспозициядан таникли ҳамда ёш рассомларнинг эллиқдан ортиқ рангтавсир, хайкалтарошлик ва амалий санъат ишлари ўрин олган. Оксана Залевскаянинг “Оқ гулдондаги гулдаста”, “Шодлик гулдаста”, Марина Пакнинг “Йил фасллари”, “Онамнинг гуллари” сингари асарларида баҳор ифори, баҳорий ранглар мужассам. Либос чизгилар-

рининг ўзига хос йўналишини шакл ва ранглар орқали излаётган фаол ижодкорлар орасида Д.Акмалова ва М.А.Севилининг ишлари ажралиб туради. Уларнинг “Мўғул халқ либоси”, “Перу халқ либоси” каби бетакрор ишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Таникли хайкалтарош Людвиг Нестерович ва кулол Назира Қўзиева ижодига



мансуб санъат асарлари экспозициянинг беағи бўлди, десак янглишмаймиз.

Шунингдек, батик ва gobelen усталари С.Шихова, И.Бурмирова, Я.Пучковскаянинг нафис шойи ва рангли куракларда тасвирланган табиат олами мухлисларга хай-



рат бағишлади. Тўқувчи уста Тен Ларисанинг зар ва оддий иплардан тўқиган аёллар бош кийимлари ва либосларида нафислик ва ўзгача жозибани кўриш мумкин.

С.ҚОСИМОВА

Болалар бекати

НАВРҮЗ КҮШИКЛАРИ

НАВРҮЗ КЕЛДИ

Наврўз келди, наврўз-эй, хей лола,
Сомса тўла тоғора, хей лола,
Карнай-сурнай, ногора, хей лола,
Авжга минсин тобора, хей лола.

Кўлимдаги пиёла, хей лола,
Безаклари гул-лола, хей лола,
Шарбат куйиб бермасанг, хей лола,
Йиғлаб қилади нола, хей лола.

Тоғдан оққан шалола, хей лола,
Қирғоғи тўла лола, хей лола,
Наврўзимнинг гаштини, хей лола,
Кимга қилай ҳавола, хей лола.

СУМАЛАК БЕРАР ДАРМОН

Лола гул алвон-алвон,
Сумалак берар дармон,
Сумалак етмай қолган,
Бир умр қилар армон.



Сумалагимиз пишади,
Қозонларга ёпишади,
Сумалак ей деганлар,
Кумурсқадай ёпишади.

Уй эгаси ухлаб қолар,
Қозон қайнаб чопишади,
Йиди-наврўз – қутлуг айём,
Уришганлар топишади.

Ёқинг, гулхан авжга чиксин,
Жин-ажина қочади,
Одам Ота, Мома Ҳаво
Қут-барака сочади.

СУСТ ХОТИН, СУЗМА ХОТИН

Суст хотин, сузма хотин,
Кўланкаси майдон хотин,
Ёмғир ёғдир, хўл бўлсин,
Еру жаҳон кўл бўлсин,
Майсалар қулоқ ёзсин,
Суту қатик мўл бўлсин.

Ёмғир ёғдир, кўк бўлсин,
Қурғоқчилик йўқ бўлсин,
Арпа-бугдой бош тортсин,
Кайвонилар ош тортсин.

Ёмғир ёғдир, хўл бўлайлик,
Биз ҳам сенга жўр бўлайлик,
Кўқламда ўйнаб-қулиб,
Ҳам шўху ҳам зўр бўлайлик.

Ёмғир ёғди, дўл бўлди,
Еру жаҳон кўл бўлди.
Шафтолилар барг ёзди,
Дунё тўла гул бўлди,
Суст хотин, сузма хотин.

ҲЕЙ, ТУРНА, ТУРНА

Ҳей, турна, турна, турна,
Кулоч бўйинингни бурма,
Минорларга ин кургин,
Чим далага ин қурма.

Сун бошида ҳаққалаб,
Сувни лойқатма турна,
Қурвақани қувалаб,
Бизни кўрқитма турна.




Довуши шириним, турна,
Кўзи мунчоғим, турна,
Сендан ўтар меҳмон йўқ,
Қозон-ўчоғим, турна.

Баланд учган турналар,
Кўноғимдан айланган.
Кўним, кўним турналар,
Чиноримга боғланган.

Маматқул ЖҲРАЕВнинг
“Наврўз кўшиқлари”
китобидан олинди.

Гул кўп, чаман кўп



ТОЛСТОЙ ВА ТУРГЕНЕВ ЖАНЖАЛИ

Лев Николаевич ва Иван Сергеевич 1861 йилнинг баҳорида шоир Афанасий Фетнинг Степановка қишлоғидаги мулкида учрашди.

Бу воқеани А.А.Фет ўз хотирларида бундай тасвирлаган:

“Эрталаб, одатдагидек, яъни соат 8 да меҳмонлар ошхонамизда жам бўлишди, хотиним стол тўрида, самовар ортида ўтирганди, мен эса кофе келтиришларини кутиб, столнинг бир четига жойлашдим. Тургенев уй бекасининг ўнг, Толстой эса чап томонига ўтирди. Шу маҳал қизини тарбиялашга берганини эшитган хотиним Тургеневдан инглиз мураббийси ҳақида сўраб қолди. Тургенев мураббийни мактаб кетди, гап орасида мураббий инглизча лухталиқ билан қизини муҳтожларга кўмак беришга кўнглириш учун Тургеневдан қанча маблағ сўраганини айтди. “Ҳозир, — деди Тургенев, — инглиз аёли қизимга қашшоқларнинг йиртиқ кийимларини ўз қўли билан ямаб беришни ургатяпти”. — Сиз шу ишни маъқул деб ўйлайсизми? — сўради Толстой.

— Албатта, бу эҳсон қилувчи ва эҳтиёмқандларни ўзаро яқинлаштиради.

— Мен эса, ясан-тусан қизинг тиззасига кир ва бад-буй эски-туски кийимларини ёйиб, сохта саҳна лавҳасини ижро этади, деб ўйлайман.

— Утинман, асло бундай деманг! — титоб қилди Тургенев ҳаяжондан бурун тешиклари кенгайиб.

— Нега энди, ишончим қомил бўлган гапни аймаслигим керакми? — жавоб берди Толстой.

Мен Тургеневга “бас қилинг” деб қичкиришга улгуролмадим, у газабдан оқариб: “Унда мен сизни ҳақоратлаб, жим бўлишга мажбур қиламан!” деди. Шу гапни айтган, сапчиб ўрнидан турди-да, бошини чангаллаганча, бошқа хонага чиқиб кетди. Бир лазадан сўнг ортига қайтиб, хотинимга: “Ҳудо ҳақки, ноҳужа ҳаракат қилдим, мени авф этинг, жуда афсусдаман”, деди. Шу сўзларни айтган, яна чиқиб кетди.

Толстой ҳам кетди. Бекатга борган, Толстой хизматқорини Николска дуэл тўплончалари ва ўқ сотиб олишга юборибди ва шу асно Тургеневни дуэлга чақирибди: “Умид қиламанки, виждонингиз менинг олдимда ноҳақ эканлигини англаган бўлса керак, айниқса, Фет ва унинг хотини кўз олдида! Демак, менга шундай хат ёзингки, уни Фетларга юбора олай. Агарда талабимни ноҳақ деб топсангиз, хабардор қилинг. Мен хатингизни Богуславда кутаман — Л. Толстой”.

Шундан сўнг Толстой Тургеневга иккинчи мактубини юборди: бу ҳалокатли дуэлга чақирув хати эди. У ўрмон четига қуролланиб келишни сўрайди. Ҳақиқатан, отишув истагини билдиради. Тургенев уэр сўрайди. Толстой Фетга газабнок хат йўллаб, “у ҳақида оғиз очмаслик ҳақида бир неча бор сўрашимга қарамай, менга юборган ширин хикматларини қандай келтирган бўлсангиз, шундай эҳтиётқорона” етказишни сўрайди.

Шу билан ёзишмалар тўхтади. Сўнгра Толстой у ёзган хатлар нусхасини қимдир қимдир кўрсатгани ҳақида Тургеневга хабар беради. Толстой бундан жуда хафа бўлиб, галати хат батади: “Муҳтарам жаноблар! Сиз ўз хатингизда менинг ҳаракатларимни нотўғри дебсиз, бундан ташқари, шахсан ўзимга “юзимга туширишингиз”ни айтгансиз, мен эса, сиздан кечирим сўрайман, ўзимни айбдор деб биламан ва дуэлга чақирувни рад этаман. — 1861 йил 8 октябрь. Ясная Поляна”.

Бу хати И. С. Зильберштейн Анненков ҳужжатларининг орасидан топган. Тургенев бу хатни ёқиб юборганман, деб жавоб беради. Аслида эса, уни сақлашга иродасизлик қилган.

Лев Толстой бу жанжалга гоҳ газабланиб, гоҳ кинояли қарайди. Бир куни аммаси Т.Ергольская ва янополяналик бир аёлнинг сўхбатини эшитиб қолади. Қоронғи тушган, ой нурланарди. Аёл сўрайди:

— Ойда ҳозир нима қилишяпти экан?

Ергольская ишонч билан жавоб қайтарди:

— Эҳтимол, рақсга тушишяптандир. Ахир, у ёқ со-вуқ-ку.

Лев Николаевич кундалигига ёзади: “Бу сўхбатни эшитган, биз Иван Сергеевич иккимиз қандай аҳмоқлик қилганимизни тушундим”.

Яъни унга дуэл воқеаси ойдаги одамлар ва уларнинг турмуши ҳақидаги сўхбат сингари ўткетган тугуруқсизлик бўлиб туюлади.

1878 йил Толстой Иван Сергеевичга хат ёзиб, унга ҳеч қандай хусумати йўқлигини билдиради. “Ҳудо ярақасин, сиз ҳам шундай бўлинг-да. Агар шундай бўлса, марҳамат, кўлни кўлга ташлайлик, олдингизда не гуноҳим бўлса, барчасини, марҳамат қилиб, бутунлай кечиринг.

Мен табиий равишда сизни фақат яхши хотиралар билан эслайман, чунки менга кўп яхшиликлар қилгансиз”.

Улар ярашади. Иван Сергеевич Ясная Полянага боради. Софья Андреевна бу ҳақида қолдирган хотираларда ёзишча, ярашув жуда таъсирчан суратда ўтади.



O'ZBEKISTON
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Электрон почта манзили:
uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош мухаррир вазифасини бажарувчи
ХУМОЮН АҚБАРОВ

Тахриратга келган кўтезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират таҳриридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи мухаррир: Шўхрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Ниғора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адаби - 1181. Буюртма Г - 338.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

